

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 1 январь, № 1 (6436) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим!

Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида тўпланиб ўтирган сиз, ҳурматли юртдошларимни, бутун Ўзбекистон халқини янги — 2016 йил билан самимий муборакбод этиб, барчангизга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга қут-барака тилашни ўзим учун катта бахт, деб биламан.

Мана, азизларим, қадрдонларим, бугун биз вақтнинг азим дарёдек шиддат билан ўтишига яна бир бор гувоҳ бўлиб, янги йилга, ҳаётимизнинг янги бир довонига қадам қўймоқдамиз.

Айни шу лаҳзаларда ўтаётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимиздан кечирган, ён-атрофимизда бўлиб ўтган ташвишли ва қувончли воқеаларни, амалга оширган ишларимизни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказамиз, шу кунларга етказгани учун Яратганимизга шукроналар билдирамиз.

Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган беқиёс ўзгаришларни, хонадонларимиз, маҳалла, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизнинг қиёфаси тобора обод ва гўзал бўлиб бораётганини ҳисобга олиб, охирига етаётган йилимизга якун ясаб, холисона айтадиган бўлсак, 2015 йил биз учун ҳар томонлама хосиятли ва файзли бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Буларнинг тасдиғи ҳақида гапирганда, рухсатингиз билан айрим мисол ва рақамларни келтиришни ўринли, деб биламан.

Кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаганининг ўзи, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир воқеадир, десак, адашмаган бўламиз.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал тараққий топаётгани, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, ахборот-коммуникация тизимларининг ҳаётимизга фаол жорий этилаётгани, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатдошлиги ортиб бораётгани — буларнинг барчаси биз эришаётган ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг, турли қийинчиликларга қарамасдан, 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тонна пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштиргани бозор ва дўконларимиздаги мўл-кўлчиликни, нарх-навонинг меъёрида бўлишини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилди ва бунинг учун дала меҳнаткашларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Ана шундай салмоқли натижаларимиз 2015 йилда аҳолимизнинг реал даромадларини 9,6 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини 21,9 фоизга ошириш имконини берди.

Шулар қаторида халқимизнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, турли гуманитар тармоқларни янги, замон талаб қиладиган босқичга кўтариш биз учун доим устувор йўналишлар қаторида бўлиб келмоқда.

Лекин, агар бугунги замон қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳаларга, аввало, таълим-тарбия соҳасига эътиборимизни янада кучайтиришимиз даркор.



Чунки замон ўзгариши билан одам, инсон ҳам ўзгаради, унинг дунёқараши, ҳаётга, ҳаётдаги ўз роли ва бурчига муносабатлари ва қарашлари бир ҳолатда турмайди.

Айниқса, катта ишонч билан ҳаётга кириб келаётган азиз фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга ошираётган дастурларимиз биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга жавоб беришига ишончимиз мустаҳкам бўлиши зарур.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, биз дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтарилишни энг юксак мақсадимиз сифатида қўйган эканмиз, бундай ўта муҳим ва масъулиятли вазифа, аввалaмбор, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ватанпарварлиги ва ҳозирлиги билан ажралиб турадиган ёш авлодимиз зиммасига тушади.

Ўртага қўйилган бундай улкан вазифанинг нақадар чуқурлигини ва масъулиятини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришда маблағимизни ҳам, ўзимизни ҳам аямаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Азиз дўстларим, қадрли юртдошларим!

2015 йил мобайнида мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жаҳон майдонида Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш йўлида янги-янги марраларни забт этганимиз, халқаро миқёсдаги нуфузли рейтингларда Ўзбекистоннинг юқори ўринларни эгаллаётгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Тасаввур этишнинг ўзи ҳам қийин бўлган ана шундай улкан ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган нуқтаи назардан босиб ўтган йўлимизни баҳолар эканмиз, тўла ишонч билан айтмоқчиман: бундай юксак муваффақиятларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, ана шу натижаларга эришиш йўлида машаққатли синовларда тобланган, мард ва танти халқимиз олдида, барча-барча ватандошларимиз олдида чин қалбдан таъзим қилишни ўзим учун катта шараф деб ҳисоблайман.

Муҳтарам дўстлар!

Мана шундай ҳаяжонли ва шукуҳли дамларда ҳар қайси инсон янги йилни кутиб олар экан, айни шу дақиқаларда қалбида, юрагида сақлаб келаётган эзгу орзу-умидларнинг ушалишини, оиласи, яқинлари, она юрти тинч-омон бўлишини, янги йил янада хайрли ва баракали бўлишини хаёлидан ўтказади.

Ишончим комилки, кириб келаётган 2016 йилимиз 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, хосиятли ва самарали бўлишига тўлиқ асосларимиз бор. Бунинг учун олдинги йилларда мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам замин — пойдевор ташкил қилингани ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга, кутилаётган турли қийинчилик ва тўсиқларни енгиш учун биз катта тажрибага эгамиз.

Мавжуд бўлган тўсиқ ва муаммолар ҳақида гапирганда, аввало, ташқи томондан пайдо бўлаётган омиллар, яъни глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётгани, дунё бозорларида вазият ноаниқ бўлиб қолаётгани, терроризм ва экстремизм балоси тобора кучайиб бораётганини ва бундай оғир муаммолар жаҳондаги кўпгина давлатлар бошига катта бир савдо бўлиб, шу жумладан, бизнинг елкамизга ҳам тушганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Бундай вазиятга қарамасдан, бизнинг прогноз ва ҳисоб-китобимиз шуни кўрсатадики, кириб келаётган 2016 йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоизга, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлари 9,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг миқдори турли манбалар ҳисобидан 15 фоизга ошиши кутилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2016 йилда давлат бюджетида илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тармоқларини ўзида мужассам этган ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар 2015 йилда ўзлаштирилган маблағларга нисбатан анча кўпроқ бўлиб, давлат бюджети умумий харажатларининг 59,1 фоизини ташкил этади.

Кириб келаётган йилда барча молиявий манбалар ҳисобидан иқтисодиётимизга 17 миллиард 310 миллион доллар миқдоридаги капитал қўйилмалар йўналтирилиб, уларнинг 23,5 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, янги — 2016 йил кўпгина кўрсаткичлар бўйича якунига етаётган 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, балки кўп соҳаларда ундан анча юқори ва зиёда бўлиши мўлжалланмоқда.

2016 йилда умумий қиймати 5 миллиард 500 миллион доллар бўлган 164 та йирик ишлаб чиқариш объектида қурилиш ишларини якунига етказиш ва уларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида Толлимаржон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 мегаватт бўлган иккита буғ-газ турбинаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида 150 мегаватт қувватга эга бўлган энергия блоки қурилишини ниҳоясига етказиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 70 минг тонна мис ишлаб чиқарадиган металл эритиш корхонасини барпо этиш каби ўта муҳим лойиҳалар борлигини таъкидлаш лозим.

2016 йилда хитойлик шериклар ёрдамида Қамчиқ довонини кесиб ўтадиган 19 километрлик туннель қурилишини тугатиб, Фарғона водийсини бутун Ўзбекистон билан боғлайдиган темир йўл ишга туширилиши, шунингдек, “Тошкент — Самарқанд” тезюрар темир йўл қатновининг Бухорогача етиб бориши белгиланган.

Айни вақтда “Женерал моторс — Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида “Т-250” моделидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводида йиллик қуввати 80 минг тонна бўлган олтингугурт гранулалари тайёрлайдиган корхонани барпо этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, замонавий тракторлар, янги русумдаги мобиль телефонлар, планшет компьютерлари, ноутбуклар, телевизор ва холодильниклар, кондиционерлар ҳамда бошқа маиший электр техника буюмлари, кенг турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарадиган қувватлар ҳам фойдаланишга топширилади.

Келгуси йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси “Боинг-787” ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодига мансуб иккита янги самолёт билан таъминланиши мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мамлакатимизда янги йилга “Соғлом она ва бола йили” деб ном берганимизни эл-юртимиз катта мамнуният билан кутиб олгани ва кенг қўллаб-қувватлаётгани, бу қарор замирида мужассам бўлган “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ғоя халқимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нечоғлик ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Қадрли ватандошларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2016 йил билан яна бир бор қизғин табриклайман.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларга қалбимнинг тўрида бўлган энг самимий тилакларимни изҳор этаман:

муҳтарам фахрийларимизнинг умрлари узоқ бўлсин,

мунис аёлларимизнинг чеҳрасидан табассум аримасин,

дилбар қизларимиз янада гўзал ва чиройли, бахтли-саодатли бўлсин,

ёшларимизнинг бахту иқболини берсин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2016 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи компаниялар ва жамоат арбоблари Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллашда давом этмоқдалар.

*Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаганлар:*

Япония Бош вазири — **Шиндзо Абэ**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — **Йоахим Гаук**

Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери — **Ангела Меркель**

Европа Кенгаши Президенти — **Дональд Туск**

Чехия Республикаси Президенти — **Милош Земан**

Венгрия Президенти — **Янош Адер**

Исландия Президенти — **Олавур Рагнар Гримссон**

Кувайт Давлати Амири — **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Миср Араб Республикаси Президенти — **Абдул Фаттоҳ ас-Сиси**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти — **Абдулазиз Бутефлика**

Эрон Ислом Республикаси Президенти — **Ҳасан Руҳоний**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти — **Муҳаммад Ашраф Ғани**

Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти — **Александр Лукашенко**

Арманистон Республикаси Президенти — **Серж Саргсян**

Мўғулистон Президенти — **Цахиагийн Элбэгдорж**

Янги Зеландия Генерал-губернатори — **Жерри Матепарае**

Колумбия Республикаси Президенти — **Хуан Мануэль Сантос**

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси — **Валентина Матвиенко**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби — **Дмитрий Мезенцев**

НАТО Бош котиби — **Йенс Столтенберг**

БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий марказ раҳбари — **Петко Драганов**

“Лукойл” компанияси президенти — **Вагит Алекперов**

“Лотте Групп” компанияси бошқаруви раиси — **Шин Донг Бин**

Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори — **Виктор Гришин**

*Табрикномалар келиши давом этмоқда.*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Р. ИРМАТОВНИ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, халқаро майдонда ўзбек футболи нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА реферизи Равшан Сайфиддинович Ирматов “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 31 декабрь

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 27 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2015 йил 3 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **52-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «ва қатъий белгиланган солиқни» деган сўзлар «қатъий белгиланган солиқни ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **59-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш чоралари жумласига қуйидагилар киради:

юридик шахслар, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисм бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар учун — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугаганидан кейин уч иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органи томонидан уларга юбориладиган солиқ қарзини тўлаш тўғрисидаги талабнома;

жисмоний шахслар учун, бундан тадбиркорлик фаолиятига доир қисм бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно, — солиқ мажбуриятларини бажариш муддатлари тугаганидан кейин давлат солиқ хизмати органининг жисмоний шахсдан солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши, бундан солиқ қарзининг суммаси ундирувни мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган ҳоллар мустасно»;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3) **61-модданинг**:

**биринчи** ва **иккинчи қисмлари** «юридик шахс» деган сўзлардан кейин «шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисм бўйича якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

4) **62-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «Солиқ тўловчи» деган сўзлар «Юридик шахс, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисм бўйича якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари жисмоний шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ҳужжатлари асосида суд ижрочилари томонидан қўлланилади ва уларга ушбу Кодекс 63–65-моддаларининг қоидалари татбиқ этилмайди, бундан тадбиркорлик фаолиятига доир қисм бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно»;

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

5) **84-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «депозитарийларда рўйхатга олинган» деган сўзлар «ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **96-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга қуйидаги ҳолларда мурожаат қилишга ҳақли:

солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинганда ёки даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудларни, биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш солиқ тўловчи томонидан рад этилганда;

солиқ тўловчи қайд этилган манзилда бўлмаганда;

солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот, камерал назорат натижалари бўйича тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаганда»;

7) **114-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «қиймати» деган сўз «қийматининг 20 фоизи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **143-модда 5-бандининг** «**ж**» **кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ж) таътилга қўшимча ҳақлар ва ушбу Кодекснинг 173-моддасида назарда тутилган моддий ёрдам»;

9) **145-модданинг 19-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19) банкнинг, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ва қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларига ҳақ тўлаш»;

10) **147-модданинг 13-бандидаги** «145-моддасида» деган сўзлар «143 ва 145-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **152-модданинг 5** ва **7-бандлари** чиқариб ташлансин;

12) **155-модда**:

**учинчи қисми 3-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юридик шахсларнинг — Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялари (бундан фонд биржасида реализация қилинадиган акциялар мустасно), улушлари (пайлари)»;

**тўққизинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**ўнинчи — йигирма иккинчи қисмлари** тегишинча **тўққизинчи — йигирма биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**ўн саккизинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**ўн тўққизинчи — йигирма биринчи қисмлари** тегишинча **ўн саккизинчи — йигирманчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**ўн саккизинчи қисмидаги** «ўн иккинчи, ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн саккизинчи қисмларида» деган сўзлар «ўн биринчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн еттинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **155¹-модданинг ўн бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадлари бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ортиқча тўланган суммасини қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади»;

14) **158-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) фонд биржасида эмиссиявий қимматли қоғозларни реализация қилишдан олинган фойдаси»;

15) **165-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси тўлов манбаида ушлаб қолинмаган ёки Ўзбекистон Республикаси халқаро шартнома қоидаларининг ғайриқонуний тарзда қўлланилиши мазкур солиқ ушлаб қолинмаслигига ёхуд тўлиқ ушлаб қолинмаслигига сабаб бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ушлаб қолинмаган суммасини ва у билан боғлиқ пеня суммасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга киритиши шарт»;

16) **173-модданинг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) таътилга қўшимча ҳақлар ҳамда ушбу Кодекс 178-моддасининг 16-бандида назарда тутилмаган моддий ёрдам»;

17) **178-модда 16-бандининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар»;

18) **179-модда**:

**1-бандининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ушбу Кодекснинг 178-моддасида кўрсатилган бошқа ҳолларда, — солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда»;

**11-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозларни (бундан фонд биржасида реализация қилинадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар мустасно), юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини)»;

**30-бандининг учинчи хатбошиси** «қурувчи шахслар» деган сўзлардан кейин «шунингдек уларнинг мазкур кредитлар бўйича биргаликдаги қарз олувчи бўлган оила аъзолари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

19) **186-модда бешинчи қисмининг учинчи жумласидаги** «Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда» деган сўзлар «Маълумотнома ва солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилган тақдирда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **187-модданинг 2-банди** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Йил якунлари бўйича ҳисобланган ва амалда тўланган даромадларнинг суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартига қадар тақдим этилади»;

21) **208-модданинг 14-бандидаги** «чет эл» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

22) **209-модданинг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан инвестиция воситачиларининг қимматли қоғозлар депо-ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш»;

23) **220-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«иссиқ сув таъминоти (ҳисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаган тақдирда) ва марказий иситиш учун тасдиқланган истеъмол нормаларидан ортиқ миқдорда аҳолига етказиб бериладиган иссиқлик энергияси бўйича»;

24) **222-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳисобварақ-фактура қоғоздаги шаклда ёки электрон ҳужжат тарзида тузилиши мумкин»;

**иккинчи — ўн тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисмидаги** «иккинчи» деган сўз «учинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

25) **227-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича қарзи мавжуд бўлмаган тақдирда, қўшилган қиймат солиғининг ортиқча тўланган суммаси ушбу Кодекснинг 10-бобига мувофиқ солиқ тўловчига қайтарилади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ҳисобот даври учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан ортган суммаси, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қўшилган қиймат солиғи бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг солиқ даври якунларига кўра ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқчалиги сақланиб қолган тақдирда, ушбу ортиқча сумма кейинги солиқ даврига ўтказилади ва қўшилган қиймат солиғи бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот ҳисобидан ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммаси қуйидаги кетма-кетликда қайтарилади:

ушбу Кодекснинг 207-моддасига мувофиқ тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг суммаси қопланади;

солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича мавжуд солиқ қарзи қопланади;

солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади.

Ушбу Кодекснинг 207-моддасига мувофиқ тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасини қоплаш ёки солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича мавжуд солиқ қарзини қоплаш ушбу Кодекснинг 56-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур модданинг бешинчи қисмига мувофиқ қайтарилгандан кейин сақланиб қолган ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот ҳисобидан ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммаси солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида унинг банк ҳисобварағига, агар мазкур ариза ортиқча сумма ҳосил бўлган ҳисобот даври тугаганидан кейин ўн икки ойдан кечиктирилмаган муддатда тақдим этилган бўлса, ушбу Кодекснинг 228-моддасида белгиланган тартибда қайтарилиши мумкин»;

26) **228-модда**:

**учинчи қисмининг 4-бандидаги** «газ таъминоти» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тўғрисидаги ёзма аризани кўриб чиқиш, қайтарилиши лозим бўлган ортиқча суммани аниқлаш ва маблағларни солиқ тўловчининг ҳисобварағига ушбу моддага мувофиқ ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади»;

27) **238-модданинг матнидаги** «чораги» деган сўз «ойи» деган сўз билан алмаштирилсин;

28) **239-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда, солиқ давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади»;

29) **240-модданинг**:

**биринчи — тўртинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

**бешинчи — еттинчи қисмлари** тегишинча **биринчи — учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

30) **277-модданинг ўнинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчиларга имзо қўйдирилган ҳолда ёки тўлов хабарномаси олинганлигини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади»;

31) **291-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жойлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар эгаллаган ер участкалари учун жисмоний шахслардан ер солиғи юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади ҳамда ушбу Кодекснинг 290-моддасида кўрсатилган имтиёзлар уларга нисбатан татбиқ этилмайди, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

32) **293-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан жисмоний шахсларга имзо қўйдирилган ҳолда ёки тўлов хабарномаси олинганлигини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади»;

33) **300-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди»;

34) **309-модданинг иккинчи қисмидаги** «чораги» деган сўз «ойи» деган сўз билан алмаштирилсин;

35) **310-модданинг**:

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан йил якунлари бўйича ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларига доир ҳисоб-китоб ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартига қадар тақдим этилади»;

**тўртинчи қисмидаги** «кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай» деган сўзлар «ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36) **311-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Бунда деҳқон хўжалигининг бошлиғи суғурта бадалларини мажбурий тартибда, бошқа аъзолари эса, ихтиёрийлик асосида тўлайди. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади»;

37) **329-модда**:

**28-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — инвесторларнинг, қимматли қоғозлар эгаларининг ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги даъволар юзасидан»;

қуйидаги мазмундаги **38** ва **39-бандлар** билан тўлдирилсин:

«38) якка тартибдаги қурувчи билан тузилган шартномага кўра қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш чоғида буюртмачининг вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қайси юридик шахснинг зиммасига юклатилган бўлса, ўша юридик шахс — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш масалалари юзасидан якка тартибдаги қурувчилар билан низоларни ҳал этиш тўғрисидаги даъволар бўйича;

39) қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ қайси тижорат банкларининг зиммасига юклатилган бўлса, ўша тижорат банклари — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган имтиёзли ипотека кредитлари юзасидан қарз олувчиларнинг кредиторлик қарзларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича»;

38) **330-модданинг 20-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — инвесторларнинг, қимматли қоғозлар эгаларининг ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги даъволар бўйича»;

39) **354-модда**:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 352-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этмаган ҳолда қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашга ўтишга ҳисобот йили бошланишидан эътиборан ҳақлидир»;

**бешинчи — еттинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун 2016 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 31 декабрь
№ ЎРҚ—398

# Мустақиллик фарзанди, истиқлол меваси

Ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Ирматовни жаҳон футболида ўз ишининг моҳир устаси, тажрибали мутахассис сифатида яхши билишади. Зеро, у кўплаб нуфузли чемпионатларда ўйинларни адолатли бошқариш, тўғри ва тез қарор қабул қила олиш фазилатларини ёрқин кўрсатмоқда. Тажрибали ёш ҳакамимиз 2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги деярли барча йирик турнирларда иштирок этаётир.

**ИФТИХОР**

Хусусан, 2007 ва 2009 йилларда ўсмирлар ҳамда ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари, 2008 ва 2011 йилларда клублар ўртасидаги дунё чемпионатлари финали, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йилда XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг футбол учрашувлари, 2013 йилда Бразилияда ташкил этилган Конфедерациялар кубоги баҳслари, 2010 ва 2014 йиллардаги жаҳон чемпионатлари ўйинлари, 2015 йилги Осиё чемпионлар лигаси финалини бошқарган. Яна бир диққатга сазовор жиҳати, Р. Ирматов мундиалларда жами тўққизта учрашувда бош ҳакамлик қилган ягона рефери сифатида жаҳон рекордини ўрнатган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон фарзандлари истеъдод ва маҳорат, билим ҳамда заковат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларининг амалий тасдиғидир.

Р. Ирматов тўрт бор "Осиёнинг энг яхши ҳаками", 2011 йилда Халқаро футбол уюшмалари федерацияси томонидан "Жаҳоннинг энг яхши ҳаками" дея бежиз эътироф этилмаган. Ўз навбатида, вакилимиз 2013 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг энг кучли ҳакамлари рейтингида юқори поғоналардан бирини эгаллаган бўлса, ўтган йилнинг декабрь ойида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида Европа клублари ассоциацияси томонидан ташкил этилган "Globe Soccer Awards" мукофоти билан тақдирлаш маросимида "Йилнинг энг яхши ҳаками" деб топилди.

Бинобарин, Равшан Ирматов Президентимизнинг 2014 йил 25 июлдаги Фармонига мувофиқ, "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланганди.

Маҳоратли ўзбек рефериси хонадони бу галги Янги йилни қўшалоқ байрам сифатида қарши олди. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 31 декабрдаги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, халқаро майдонда ўзбек футболи нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш борасидаги



катта хизматлари ҳамда ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Равшан Ирматов "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Кеча пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида халқаро тоифадаги ҳакамни шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ватанимизнинг юксак мукофоти — "Буюк хизматлари учун" орденини ва Президентимиз совғаси — "Malibu" автомобили калитини Р. Ирматовга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев тантанали равишда топширди.

— Бизнинг мана шундай нуфузли мусобақаларда иштирок этаётганимиз мустақиллик шарофати, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор натижасидир, — дейди Равшан Ирматов. — Жаҳон чемпионатлари ва бошқа кўплаб нуфузли мусобақалар давомида Юртбошимизнинг "Бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники", "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз", деган сўзлари доимо ёдимизда туради. Ҳар бир баҳс олдидан шунга муносиб бўлишга, бор маҳоратимизни намойиш этишга интиламиз. Камтарона меҳнатларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлаган Президентимизга чексиз миннатдорлик билдираман.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бир вақтлар миллий тараққиёт йўлимизга шубҳа билан қараб, келажагимизга ишонқирамай муносабатда бўлганлар бугун барча соҳа қатори спортда ҳам эришаётган марраларимизга ҳайрат ила боқаётгани ва куч-қудратимиз, салоҳиятимизни тан олаётгани ҳам айни ҳақиқат.



Маълумки, Соҳибқирон Амир Темурнинг "Куч — адолатдадир" деган ўгити спортнинг барча тури қатори футболда ҳам бош қоида ҳисобланади. Шундай экан, халқимиз ҳаётидан чуқур жой олган ана шу бебаҳо қадрият, хусусан, ҳар қандай шароитда ҳам адолат, ҳалоллик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бағрикенглик билан иш тутиш Равшан Ирматов тимсолида бутун дунёга кўп бор намоён бўлаяпти.

Айниқса, 2014 йилда Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионати ўйинларини миллиардлаб мухлислар ойнаи жаҳон орқали, қолаверса, бевосита стадионлардан туриб кузатди. Ҳар гал қайсидир мусобақани бошқариш учун ҳамюртимиз тайинланганида, "Ўзбекистонлик Равшан Ирматов", дея уни алоҳида таништириб боришди. Нуфузли телеканаллар, нашрлар, интернет сайтлари ҳамюртимиз фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этди. Шу орқали бутун дунё жонажон Ватанимиз тўғрисида, халқимиз ҳақида янада кенгроқ маълумотга эга бўлди.

— Бу мамлакатимизда спорт, хусусан, футболни ҳар томонлама ривожлантиришга берилаётган катта ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир, — дейди футзал бўйича ФИФА ҳаками Шуҳрат Пўлатов. — Энди айтинг, агар юртимиз мустақил бўлмаганида, Президентимиз томонидан спортга, спортчиларга шунчалар эътибор қаратилмаганида, бундай ютуқлар қўлга киритилармиди?! Тасаввур ҳам қилиб бўлмасди! Бир пайтлар бизга менсимай, паст назар билан қараганлар энди "Ўзбекистон ҳакамлар мактабидан ўрганиш керак", деб тан олмоқда, эътироф этишга мажбур бўлмоқда. Демак, ҳақиқат, адолат қарор топаётир.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси З. Низомхўжаев, Ўзбекистон халқ шоири С. Саййид, Ўзбекистон халқ артисти М. Азизов ҳамда бошқалар спортни ривожлантириш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган улкан ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д. Назармуҳамедов иштирок этди.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## ЭЪТИРОФ

Ҳар қандай давлатнинг жаҳонда муносиб ўрин эгаллашида унинг маданий, тарихий, илмий, айниқса, иқтисодий салоҳияти муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, Ўзбекистон — имкониятлари ниҳоятда юқори мамлакат бўлиб, кейинги йилларда иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўсиш суръатлари билан нуфузли давлатлар қаторидан мустаҳкам жой эгаллаб келмоқда. Бу, ўз навбатида, халқаро ташкилотлар, экспертлар томонидан юксак эътироф этилаяпти.

# Иқтисодий салоҳият ва изчил ривожланиш

**Сирил МЮЛЛЕР, Жаҳон банкининг вице-президенти:**

— Ўзбекистон ёш, иқтисодий ва инвестициявий имкониятлари ниҳоятда катта давлатдир. Юртингизда сармоялар тўғри йўналтирилаётгани туфайли барча соҳа, айниқса, саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш жабҳаси изчил тараққий этиб бораяпти. Натижада одамларнинг турмуш шароити яхшиланиб, ҳаёт даражаси юксалмоқда.

Инвестициялар йирик корхоналарни барпо этиш, замонавий қувватларни ишга тушириш билан бирга, соғлиқни сақлаш, таълим тизими, коммунал соҳа ривожи учун сарфланаётгани таҳсинга лойиқ.

Мамлакатингиз иқтисодиёти, хусусийлаштириш жараёнлари билан яқиндан танишдим. Шу аснода юртингизда хорижий ҳамкорлар, инвесторлар учун барча шарт-шароит яратиб берилгани, бу, ўз навбатида, сармоявий муносабатларни юқори босқичга олиб чиқиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланишида муҳим омил бўлаётганига ишонч ҳосил қилдим.

**ЧВЕ Сонг Хо, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) вице-президенти:**

— Таълим соҳаси, инфратузилмани ривожлантириш, саноатни модернизация қилиш, замонавий қишлоқ хўжалигини ташкил этиш борасида юртингизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва чуқур таркибий ўзгаришлар эътиборга моликдир. Агентлигимиз айни шу йўналишларда ҳамкорлик қилаётгани боис мазкур жабҳада қўлга киритилаётган ютуқлардан хабардормиз ва уни юқори баҳолаймиз. Ҳаётга татбиқ этилаётган янги лойиҳаларда фаол иштирок этаётганимиздан хурсандмиз. Хусусан, юртингизда 2015 — 2017 йилларда агентлигимиз кўмагида умумий қиймати 58 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ўн битта лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган.

**Ханс-Петер ОТТО, «C. Spaarmann Logistics» компанияси бош директори (Германия):**

— Мамлакатингизнинг саноат салоҳияти жуда юқори. Айниқса, енгил саноат, фармацевтика, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, энергетика, логистика, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳалар жадал ривожланмоқда. Бу эса германиялик ишбилармонларнинг иқтисодиётингизга бўлган қизиқишини ошираяпти. Бугунги кунда юртингизда "MAN", "Claas", "Lemken", "Knauf" каби дунёга машҳур немис компаниялари ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани, германиялик инвесторлар иштирокида ташкил этилган корхоналар сони 110 тага етгани бунинг яққол далилидир.

Бизнинг компаниямиз ҳам юртингиз ишбилармонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида. Шу боис 2015 йилда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро тадбирларда фаол қатнашиб, музокаралар олиб бордик. Булар кутилган самараларни беришига ишончим комил.

**Хуан МИРАНДА, Осиё тараққиёт банки бош директори:**

— Инвестициявий жозибадор, сармоя киритиш учун қулай ва ишончли мамлакатлардан бири, шак-шубҳасиз — Ўзбекистон. Қабул қилинган Инвестиция дастурлари пухталиги, бизнес юритишнинг қулайлиги, энг муҳими, инвесторлар учун барча соҳа очиқлиги ҳар қандай лойиҳанинг муваффақиятини таъминлайди. Кейинги йилларда иқтисодиёт барқарор ўсиб борди, замонавий саноат тармоқлари ишга туширилди. Солиқ юкининг муттасил пасайтирилаётгани банк тизими самарадорлигига мустаҳкам замин яратмоқда.

# Янги уйларда байрам тантанаси

Қўнғирот туманида фаолият юритаётган бир гуруҳ божхоначилар Янги йил байрамини янги уйларда кутиб оладиган бўлишди.

## БУНЁДКОРЛИК

Бу имконият "Қорақалпоғистон" шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудида 32 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилиши билан юзага келди. "Гулдурсинқурилиш" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари томонидан амалга оширилган қурилиш-монтаж ҳамда ободонлаштириш ишларига 7 миллиард 222 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

— Бугун оиламиз аъзоларининг қувончи чексиз, — дейди божхона ходими Саидмурод Оқбўтаев. — Чунки мана шу кўркам тураржойдан бизга ҳам уч хонали уй ажратилди. Бу ердаги шарт-шароитлар ҳавас қилгулик даражада. Бино ҳовлисидаги спорт майдончасида эса фарзандларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказишади. Бунинг учун давлатимиздан чексиз миннатдормиз.

Эътиборли жиҳати, замонавий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган кўп қаватли уй билан бирга, тубдан реконструкция қилиниб, энг сўнгги русумдаги назорат ускуналарига эга бўлган "Довуд ота" божхона пости ҳам фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М. Ерниязов иштирок этди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Аёлни улуғламоқ саодати

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини эшитиб, жуда қувондик. Чунки унда эришилган ютуқларимиз бирма-бир таҳлил қилиниб, истиқболдаги режалар, ҳаётимизни фаровон, турмушимизни обод этишга қаратилган эзгу чора-тадбирлар аниқ ва равшан баён қилинди.

## ШУКРОНА

Айниқса, янги — 2016 йилнинг мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб номланганидан бениҳоя хурсанд бўлдик. Зеро, бунинг замирида хонадонларимиз файзи бўлмиш аёлларга ғамхўрлик кўрсатишдек эъзозу эътибор мужассам. Қолаверса, хотин-қизлар ҳурматини бажо келтириш азалдан халқимизнинг аёл зотига, меҳрибон оналаримизга бўлган юксак маърифий маданиятини ифодалайди.

Жумладан, ҳазрат Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида "Кадхудолиғ сифати ва хотунлар зикрида" деб номланган фасл бор. Унда уйланиш, оила ва оилада аёлларнинг мавқеи ҳақида сўз боради. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини эътироф этиши ҳамда уларни улуғлаши Навоийнинг илғор инсонпарварлик ақидалари сирасидандир. У ёзади: "...уйнинг оройиши андин ва уйлукнинг осойиши андин". Навоий таърифига кўра, аёл агар оқила, саранжом, кўнгилга ёқимли бўлса, оилани гул қилади. Эркакларга мурожаат қилиб, агар хотин хушахлоқ, пок табиатли бўлса, "рўзғордин ҳар жафо етса, анисинг ул ва чархи даввордин ҳар ибтило келса, жалисинг ул", дейди. Шунинг учун уларни қадрлаш, оиланинг таянчи, деб эъзозлаш лозим, дея уқтиради. Не бахтки, бобокалонимиз орзу қилган қарашлар бугун жамиятимизда яққол намоён бўлмоқда. Шу ҳақда ўйлар эканман, Навоий бобомизнинг машҳур бир рубоийси ёдга тушади. У "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш..." деб бошланади. Бугун яратилган шарт-шароитни кўриб, қувонишимиз, шодон яшашимиз учун неки керак бўлса, барчаси муҳайё этилганидан, булар тинчлик деб аталмиш бебаҳо неъмат туфайли эканлигидан бошимиз кўкка етади. Айниқса, аёлнинг жамиятдаги ўрни ошди. Бугун бизнинг қадримиз баланд, қаддимиз тик. Шахсан ўзим камтарона хизматларимнинг Президентимиз томонидан юксак қадрланганидан бошим осмонда. Менга ўхшаб эъзоз кўрган ва бундан куч-ғайрат олиб илҳомланганлар қанчадан-қанча?!

Бугун бизнинг барча илму интилишларимиз, эзгу ниятларимиз озод юртимизни обод этишга қаратилган. Ободлик эса давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, кўнгилдан бошланади. Маънавий-маърифий ҳаётимиздаги беқиёс ўзгаришлар, инсон манфаатининг устувор саналиши, ёшларимизнинг Навоийни ўрганишга иштиёқи ортиб бораётганлиги ана шу улуғвор ўзгаришларнинг самарасидир.

Ҳазрат Алишер Навоий бир байтларида: "Умидим улки, умидингга етгайсан", дейдилар. Бугунги шукуҳли кунларда барча юртдошларимизни қутлаб, шуни алоҳида мамнуният билан айтамизки, Президентимиз раҳнамолигида қўлга киритилган барча ютуқларимиз эзгу умидларимиз рўёбидир. Ана шу дадил одимларимизга кўз тегмасин, яхшилик боғи ҳамиша яшнайверсин.

**Суйима ҒАНИЕВА, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

# Юксак эътибор ва ғамхўрлик намунаси

Халқимизда кекса авлод вакилларига катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни қадрлаш, бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш қадрият даражасига кўтарилган. Истиқлол туфайли бу борадаги ишлар эзгу мақом касб этди.

## ЭЪЗОЗ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Хусусан, тегишли қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, ушбу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада Ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган нуронийлар беқиёс ғамхўрликдан баҳраманд ҳолда мазмунли умр кечиришаяпти.

Айтиш жоизки, якунига етган Кексаларни эъзозлаш йилида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни яна бир поғона юксалтирди.

— Умуман, 2015 йилда юртимизда ёши улуғ инсонлар ҳурматини жойига қўйиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган жуда кўп хайрли юмушлар бажарилди, — дейди "Нуроний" жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Усмонов. — Президентимиз Фармони билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига пул мукофотлари ҳамда эсдалик медаллари топширилди. Давлат дастури бўйича барча манба ҳисобидан 2 триллион 246 миллиард сўм ва 225 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда жамоат ташкилотлари, тадбиркор ва фермерлар кўмагида фахрийларга ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий телевизор ҳамда мобиль телефонлари бепул берилди.

Саховат ва Мурувват уйларидаги кексаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш ҳам доимий эътиборда бўлди. Шу мақсадда мазкур муассасалар моддий-техника базаси янада мустаҳкамланиб, зарур тиббий ускуналар ва дори-дармон воситалари билан таъминланди. Уруш ва меҳнат фахрийлари юртимиздаги 37 та санаторий-соғломлаштириш муассасасида давлат бюджети ҳисобидан ўз саломатлигини мустаҳкамлади.

Фахрийларимизнинг маданий дам олиши учун ҳам зарур шарт-шароит яратилди. Хусусан, улар учун концерт дастурлари уюштирилди, фильм ва спектакллар намойиш этилди. Бундай тадбирларга 272 минг нафарга яқин кекса авлод вакиллари қамраб олингани эътиборга молик. Шунингдек, улар учун саёҳатлар уюштирилиб, 25 мингдан зиёд уруш ва меҳнат фахрийси Самарқанд, Хива ҳамда Бухоро шаҳарларидаги муқаддас қадамжо ва тарихий обидаларни ҳамда пойтахтимизда истиқлол йилларида барпо этилган иншоотларни томоша қилишди.

Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг оила ҳамда жамиятдаги ролини ошириш, ёшларда уларга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш, фахрийларни жисмоний тарбия билан шуғулланиш ва фаол турмуш тарзига жалб этиш йўналишида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва фуқаролар йиғинлари томонидан салмоқли ишлар бажарилди. Масалан, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларининг 9835 нафари 14 турдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланди.

— Халқаро кексалар кунида маҳаллалар ҳудудидаги мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларида 20 мингга яқин тадбирлар ўтказилиб, уларда 148 минг нафар ёши улуғ инсонлар қатнашди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бўлим бошлиғи Учқун Маҳмудов. — Бундан ташқари, "Кексаларни эъзозлаш — улуғ қадрият" шиори остида 8230 та маҳаллада учрашувлар уюштирилди. Эътиборлиси, бу тадбирлар доирасида маҳалла фаоллари ва "Ораста қизлар даврасi" аъзолари уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳолидан хабар олди. Шуларга мос ҳолда, 5670 та умумтаълим муассасаси ўқувчилари орасида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган энг яхши иншо танлови ташкил этилди.

Нуронийларнинг дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароит яратиш мақсадида гузарлар, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, махсус тўгараклар қошида мулоқот клублари ташкил этилиб, уларга 33 минг нафарга яқин отахон ва онахонлар жалб қилинди.

Ушбу эзгу ишларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, кексаларни, энг аввало, уруш ва меҳнат фронти фахрийларини қўллаб-қувватлаш, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ҳамда маиший хизматларни кенгайтириш, фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш чоралари кўрилди. Хотира ва қадрлаш куни байрамида 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари манзилли моддий қўллаб-қувватланди. 47 минг 95 нафар ёлғиз кексани озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон билан таъминлаш, уй-жойини таъмирлаш учун 8 миллиард 303 миллион сўм йўналтирилди. Жамоа шартномалари орқали 102,5 минг нафар пенсия ёшидаги инсонлар ва пенсионерлар рағбатлантирилди. Жойлардаги Саховат ва Мурувват уйларида яшовчилар ҳолидан хабар олинди.

— Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган қарийб 3000 нафар нуронийга 1,5 миллиард сўмлик электр-маиший техника жиҳозлари берилди, 630 нафар отахон ва онахонлар, жисмоний имконияти чекланган кексалар ногиронлик аравачаси, ёрдамчи реабилитация воситалари билан таъминланди, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бош мутахассиси Эътибор Раҳмонова. — Шунингдек, тизимдаги 15 та санаторийда қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш юмушлари бажарилди ҳамда уларда Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлимлари ташкил этилиб, замонавий жиҳозлар ва тиббий ускуналар билан таъминланди. Ҳар бир санаторийда фахрийларнинг жисмоний имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча қулайлик ва шароитлар яратилди. Натижада касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда давлат бюджети ҳисобидан 4 минг 645 нафар уруш ва меҳнат фахрийси саломатлиги мустаҳкамланди. Бунга қўшимча равишда 10 минг нафардан зиёд нуроний касаба уюшмалари томонидан соғломлаштирилди.

Хуллас, Кексаларни эъзозлаш йилида кенг қамровли эзгу ишлар рўёбга чиқарилиб, отахон ва онахонларимиз турмуш шароити янада яхшиланди, саломатлиги мустаҳкамланди. Пировардида бугун улар жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ўзларини ҳар жабҳада намоён этмоқдалар. Табиийки, бу борадаги хайрли амаллар изчиллик билан давом эттирилади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### 2015 йилда мамлакатимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида барча манба ҳисобидан

**2 триллион 246 миллиард сўм ва 225 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди.**



Бунинг ҳисобига хонадонларимизнинг кўрки бўлган кексаларимизни моддий қўллаб-қувватлаш, нуронийларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, саломатлигини тиклаш, яшаш шароитларини янада яхшилаш, айниқса, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш бўйича белгилаб олинган эзгу чора-тадбирларнинг изчил ижроси таъминланди.

# 2015 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди?

## ИЗҲОР

Бугун мамлакатимиз аҳли яна янги ниятлар, режалар, эзгу ишлар остонасида турибди. Ана шу дамларда ҳар биримиз ҳаётимизда юз берган муҳим ўзгариш ва янгиланишларни ёдга олиб, 2015 йилда эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилишимиз, табиий. Буни байрам шукуҳи кезиб юрган айни кунларда юртдошларимиздан таҳририятимизга келаётган дил сўзлари ҳам яққол тасдиқлайди.

**Бобуржон ЗОКИРОВ, Қибрай туманидаги "Зиё глобус" хусусий корхонаси раҳбари:**

— Бир неча йил аввал глобуслар тайёрлайдиган чоққина корхона очгандик. Чунки бу турдаги ўқув жиҳозлари юртимизга, асосан, хориждан келтирилар экан. Уни асли бобокалонларимиз ихтиро қилган бўлса-ю, валюта ҳисобига четдан сотиб олиб ўтирсак?! Шу фикр тинчлик бермай, изландик, ўргандик. Ниҳоят қисқа муддатда турли ўлчамларда ер шари моделларини ясашни ўзлаштирдик.

2015 йил хосиятини айтмайсизми?! Корхонамиз Президентимизнинг махсус қарори билан тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига киритилди. Унга кўра, муайян имтиёзларга эга бўлдик. Беш йилга солиқлардан озод қилиндик. Қаранг, биз, тадбиркорларга шунча эътибор-а! Ҳозир глобуслардан ташқари, турфа геометрик чизғич ва фигуралар, осма хариталар ишлаб чиқаришга киришганмиз. 2016 йилда уларни экспортга ҳам чиқарамиз.

**Азизбек ДАМИНОВ, Избоскан туманидаги "Жонобод чорваси" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги кунда фермер нафақат деҳқон, айни пайтда ҳам агроном, ҳам иқтисодчи, ҳам механизатор, ҳам ташкилотчи сифатида ўзини намоён этиши зарур. Бу ҳаётий талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, биз ҳам ўз фаолиятимизни кенгайтириб бораяпмиз. Бу борада 2015 йил, айниқса, баракали келди. Мўл ҳосил етиштиришдан ташқари, хўжалимиз қошидаги сутни қайта ишлаш цехини модернизация қилиб, вилоятда биринчилар қатори мевали ва шоколадли творог ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Айни пайтда пишлоқ ва йогурт тайёрлашни ўзлаштириш борасида бизнес-режа тузаяпмиз. Шунингдек, яқин истиқболда асал қадоқлаш цехини ташкил этиб, ташқи бозорга чиқиш ҳамда қўшимча тармоқларни кенгайтириш ҳисобига 60 та иш ўрни яратмоқчимиз.

**Тўхтамурод ЖУМАЕВ, Бухоро давлат университети қошидаги 3-сон Қоракўл академик лицейи директори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби:**

— 2015 йил педагогик жамоамиз учун эсда қоларли кечди. Чунки поёнига етган йилда лицейимизни тамомлаган йигит-қизлардан салкам 90 фоизи олий ўқув юртлари талабалари сафидан жой олди. Яна бир гуруҳ ўқувчиларимиз турли танлов ва беллашувлар совриндорига айланди.

Таълим муассасамиз — истиқлол тенгдоши. У дастлаб мактаб-интернат сифатида фаолият бошлаган бўлса, кейинчалик академик лицей мақомини олди. Ўтган даврда эришган муваффақиятларимиз билан бугун ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Чунки 25 йил ичида 35 нафар ўқувчимиз математика, информатика, кимё каби фанлар бўйича ўтказилган халқаро ва жаҳон олимпиадаларида Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмасликларини қайта-қайта исбот этишди. Шу тариқа қўлга киритган медалларимиз сони 35 тага етди. Муҳими, айни кунда ҳам ушбу эзгу анъаналар бардавом. Албатта, буларнинг барчаси таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 19 ДЕКАБРДАН 25 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Хабар

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2015 йил 9 ноябрдаги 2015/23-10, 104, 98-сон «Инвестиция таклифларининг ягона электрон базаси» тизимида инвестиция таклифларини ва истиқболли лойиҳалар паспортларини киритиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2741 (2016 йил 28 мартдан кучга киради).**

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 22 декабрдаги 376-мҳ-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-10 (2015 йил 28 декабрдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2015 йил 25 ноябрдаги 140-мҳ, 05-сон «Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2742 (2015 йил 28 декабрдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2015 йил 2 декабрдаги 2015-21-сон «Трансфер-агент фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1872-2 (2015 йил 28 декабрдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2015 йил 18 декабрдаги 58-Б-сон «Ўзбекистон Республикаси хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2145-1 (2015 йил 28 декабрдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2015 йил 18 декабрдаги 57-Б-сон «Кабель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2743 (2015 йил 28 декабрдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2015 йил 24 декабрдаги 01/27-26/26, 2-сон «Баҳоловчиларни танлаш бўйича танлов ўтказиш ва ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1643-1 (2015 йил 28 декабрдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 24 декабрдаги 3, 01/27-26/27-сон «Суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2744 (2015 йил 28 декабрдан кучга кирди).**

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 18 декабрдаги 35/4-сон «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1727-2 (2015 йил 28 декабрдан кучга кирди).**

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги 384-мҳ-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2745 (2015 йил 28 декабрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Ўзбекистон Республикаси хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2145, 2010 йил 9 октябрь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 23 декабрдаги 379-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Адлия вазирлигининг «Баҳоловчиларни танлаш бўйича танлов ўтказиш ва ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1643, 2006 йил 28 ноябрь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 24 декабрдаги 381-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**ФАХР**

Халқаро мусобақаларда иштирок этиш мақсадида қайси давлатга бормайлик, фурсат топилди, дегунча хорижлик тенгқурларимизга Ўзбекистонимиз ҳақида, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида биз, ёшларга, спортчиларга яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида тўлқинланиб гапириб берамиз. Улар ҳикоямизни эшитиб, бизга ҳавас қилишади.



# Олимпиадада, албатта, Ватанимиз байроғини кўтарамиз

Фахрланиб айтсак арзийдики, юртимизда ҳар қандай спорт тури билан юқори даражада шуғулланиш учун замонавий инфратузилма мавжуд. Кўркам спорт мажмуалари нафақат шаҳарларда, балки энг чекка ҳудудларда ҳам бунёд этилган. Улар доимо гавжум. Қолаверса, ўзимизнинг "кичик Олимпиада"миз бор. Яъни "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларини ўз ичига олган уч босқичли ноёб тизим маҳоратимизни янада ошириш, халқаро баҳсларга муносиб тайёргарлик кўришда жуда катта мактаб вазифасини ўтаяпти.

Менинг ҳам спорт оламида эришаётган муваффақиятларим истиқлол шарофати, ана шу омиллар туфайлидир.

Ёши катталарнинг айтишича, илгарилари бундай имкониятлар бўлмаган экан. Масалан, отам болалигида спортга жуда қизиққан. Лекин ўша вақтларда шароит йўқлиги боис орзуси орзулигича қолиб кетган. Мустақилликдан кейин барча соҳа ривожига кенг йўл очилгач, отам биз, фарзандлари — уч ўғлини спорт секцияларига етаклаб борган.

Ўн ёшимдан бокс билан шуғуллана бошладим. Тажрибали спортчиларимизнинг нуфузли беллашувлардаги ғалабаларини телевизор орқали кўрганимда, дилимдан шундай истак кечган: "Мен ҳам, албатта, чемпион бўламан!". Мақсадимга эришиш учун машғулотларда астойдил иштирок этдим, мураббийларим ўгитига амал қилдим. Халқаро майдондаги дастлабки ютуғимга 2012 йилда Озарбайжонда ташкил этилган турнирда эришдим. Кейинчалик Сербия, Таиланд ва Россияда ўтказилган мусобақаларда совриндор бўлдим.

2014 йилда Таиланд давлати мезбонлик қилган Осиё чемпионати, Болгарияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида олтин медалларни қўлга киритдим. Наманганда ташкил этилган "Баркамол авлод — 2014" спорт мусобақаларида зафар қучдим. Булар Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида ғалаба қозонишимда жуда катта замин бўлди.

Поёнига етган 2015 йил, айниқса, сермаҳсул кечди. Дастлаб Болгариядаги халқаро турнирда, Таиланддаги қитъа чемпионатида муваффақиятга эришдим. Қатардаги жаҳон чемпионатида эса кумуш медалга сазовор бўлиб, XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритдим.

Ана шу камтарона хизматларим давлатимиз томонидан юксак баҳоланди. Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, "Шуҳрат" медали билан тақдирландим.

Ҳар бир киши, у хоҳ спортчи, хоҳ бошқа соҳа вакили бўлсин, вақти келиб, ҳаётда босиб ўтган йўлига назар ташлар экан, муайян бир даврни умрининг энг унутилмас палласи, дея тилга олиши табиий. Мен учун ана шундай эсда қоларли, ғурурланса арзийдиган воқеа айнан 2015 йилда рўй берди. Гап шундаки, Конституциямизнинг 23 йиллик байрами арафасида бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Президентимиздан "Шуҳрат" медалини қабул қилиб олдим. Ўша ондаги ҳаяжонимни сўз билан таърифлаб беришим қийин. Тадбирда сўзга чиқиб, қалбимдан кечган ўй-фикрларни, ниятларимни айтганимда, давлатимиз раҳбари мени бағрига босиб, "Сен Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларида чемпион бўлишинг керак!" дея юксак ишонч билдирдилар. Бу оталарча меҳр, эътибор менга жуда катта куч бағишлади. Мақсадим — Президентимизнинг ана шу ишончини оқлаш. Рио-де-Жанейрода ғолиб бўлиб, Ватанимиз байроғини бошим узра баланд кўтариш, дунё аҳлига Ўзбекистон фарзандлари қандай салоҳиятга эга эканини яна бир карра намойиш этишдир.

**Бектемир МЕЛИҚЎЗИЕВ,**
**бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси.**

# Қут-барака, омаду қувончлар йили

Кириб келган 2016 йил мучал тақвими бўйича маймун йилидир. У 12 та жонивор номи билан аталадиган даврий йил ҳисобининг тўққизинчиси саналади.

**МУЧАЛ**

Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотут турк" асарларида келтирилишича, 12 йиллик ушбу даврий йил ҳисобига хосиятли ва муқаддас саналган ҳайвонлар киритилган. Булар — сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит ва тўнғиз.

Йилларни ҳайвонлар номи билан аташ анъанаси Хитой ва Мисрда вужудга келган, деган маълумотлар ҳам йўқ эмас. Бироқ ушбу халқларда айрим ҳайвонлар ўрнига бошқасини киритиш ҳоллари ҳам учрайди. Айтайлик, балиқ ўрнига Хитойда афсонавий аждаҳо, Африкадаги айрим элатлар орасида тимсоҳ жой олган. Мисрда эса сичқон ўрнига мушук, от ўрнига эшак киритилган.

Ривоятларга қараганда, қадимда Янги йилнинг қандай келиши кўп жиҳатдан мучал ҳисобидаги ҳайвонларга ҳам боғлиқ, деб қаралган ва бунга қаттиқ ишонилган. Масалан, тўнғиз йилида ёғингарчилик кўп бўлса, сигир йили жуда қут-баракали келар эмиш. Бу нарса туғилажак фарзандлар феъл-атворида ҳам намоён бўлмай қолмас экан.

Айни пайтда илм-фан тараққий этиб, ахборот-коммуникация технологиялари янада ривожланиши башорат қилинаётир.

Бироқ бу қолган касб-кор эгалари учун муваффақиятлар кам бўлади, дегани эмас. Чунки янги йилда "Ҳозир ёки ҳеч қачон" тамойили устувор бўлиб, ҳар қандай ишга қатъият билан киришадиган, таваккал қилишдан қўрқмайдиган кишилар юқори натижаларни қўлга киритиши кутилаяпти.

Маймун йилида мода оламида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй беради. Шу маънода, 2016 йилдан модельер ва дизайнерларнинг ҳам умидлари катта. Улар қизил, алвон, олов ва ёрқин ранглар урфга киришини эътироф этишмоқда.

Ушбу мучалда туғилганлар эпчил, ақлли, топқир бўлиб, муаммоли вазиятларда ҳам оқилона йўл тутиши билан ажралиб туради. Киришимлилиги, оғир ишдан бўйин товламаслиги, хушчақчақлиги ва илтифотлилиги туфайли уларнинг дўсту ёрлари кўп бўлади. Устига устак, ўта зийрак, хотираси мустаҳкам. Бу каби фазилатлари билан бирга, айрим қусурлари ҳам йўқ эмас. Бир оз шошмашошарлиги, ҳамма ишни тез амалга оширишга иштиёқининг кучлилиги, бошлаган ишини тугатмасдан туриб, бошқасига уриниши оқибатида айрим ҳолларда панд еб қолади.

Бу мучал соҳиблари орасидан эл таниган, машҳур кишилар етишиб чиққан. Файласуфлар, сиёсатчилар, ёзувчи ва шоирлар, актёр ҳамда режиссёрлар нисбатан кўп учрайди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, маймун йилининг хосияти қандай?

Кўп йиллик кузатишларга қараганда, маймун йили баракали бўлган. Чунки маймун табиатан ҳаракатчан, мушкул вазиятлардан осон чиқа оладиган, ўзгаришларга тезда мослашиб, ўзига қулай шароит яратишни уддалайдиган жонивордир. Шу боис 2016 йилда, айниқса, тадбиркорлар, савдо-сармоявий фаолият билан шуғулланувчилар, ижодкорларга омадли келиши кутилмоқда.

Маймун ўйин-кулгини, шоду хуррамликни хуш кўради. Бу, ўз навбатида, у билан боғлиқ мучалда ҳам ифодасини топмай қолмайди. Бинобарин, маймун йилида кўпдан буён ечимини кутаётган муаммолар ҳал этилгани, зиддиятли томонлар муросаи мадора йўлини тутишгани, байрамларга бой бўлгани билан одамларнинг ёдида сақланиб қолган.

Шунинг учун Янги йилдан умидларимиз катта. Ниятимиз, 2016 йил қут-баракали, омадли келиб, қувончу шодликларга бой бўлсин.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ** тайёрлади.

*Бу йилги маймун мучалининг ўзига хос томони шундаки, у ҳар 60 йилда бир маротаба такрорланади. Бундай йилларда дунё давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида йирик воқеа-ҳодисалар рўй берган. Энг муҳими, улар ижобий якун топгани билан янада аҳамиятлидир.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА







(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 5 январь, сешанба куни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 155 877 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5